



МАМЛАКАТИМИЗ ҚУДРАТИНИНГ ЁРҚИН НАМУНАСИ

**Хабар берилганидек, Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ислам Каримов Устюрт газ-кимё мажмуаси
қурилишининг бориши билан танишиш мақсадида
25 апрель куни Қорақалпоғистон Республикасига
ташриф буюрди.**

Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти тобора юксалиб бормоқда. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш, замонавий бизнес инфратузилмасини ривожлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Юртимиздаги макроиқтисодий барқарорлик ва қулай сармоявий муҳит таъсирида энг ривожланган давлатлар, нуфузли молия муассасалари мамлакатимиз билан ҳамкорлик қилмоқда. Бунинг самарасида янги-янги замонавий корхоналар бунёд этилмоқда.

Ўзбекистон учун Корея Республикаси вақт синовида ўтган ва ҳар жиҳатдан ишончли стратегик шерикдир.

Бугунги кунда Ўзбекистон — Жанубий Корея муносабатлари давлатлараро ва ҳукуматлараро даражада, фирма ва компаниялар доирасида ўзаро манфаатдорлик асосида ривожланмоқда. Мамлакатларимиз ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар соҳаларда қарор топган муносабатлар 2006 йилда имзоланган Стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларация руҳида изчил ривожланиб, янги мазмун билан бийиб бормоқда. Ўзаро ҳамкорликда янги-янги ишлаб чиқариш корхоналари барпо этилмоқда.

Сурғил қони негизда бунёд этилаётган Устюрт газ-кимё мажмуаси Ўзбекистон ва Жанубий Корея ҳамкорлигининг юксак намунасидир. Ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 3,9 миллиард АҚШ долларини ташкил қилади. Унинг амалга оширилиши йилига 4,5 миллиард куб метр табиий газни қайта ишлаш ҳисобидан 3,7 миллиард куб метр газ, 387 минг тонна полиэтилен, 83 минг тонна полипропилен, 102 минг тонна пиролиз бензини ва бошқа қимматбаҳо маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради.

Президентимиз Ислам Каримов 25 апрель куни ушбу йирик саноат корхонасига ташриф буюриб, бу ерда амалга оширилаётган қурилиш ишлари билан танишди.

Бундай йирик ва муҳим лойиҳани Корея Республикаси билан ҳамкорликда амалга ошираётганимиз беҳиз эмас, — деди давлатимиз раҳбари. — Ўзбекистон Корея Республикасига улкан иқтисодий, индустриал ва интеллектуал салоҳиятга эга ривожланган давлат сифатида қарайди. Мамлакатларимиз ўртасида қарор топган мустақам ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни юксак қадрлайди.

Устюрт газ-кимё мажмуаси нефть-кимё соҳасида дунёдаги энг йирик лойиҳалардан биридир. «Project Finance International» халқаро наشري ушбу мажмуани қуриш лойиҳасининг лойиҳавий молиялаш битимини нефть-кимё ва газ-кимё секторидagi 2012 йилнинг энг яхши лойиҳаси, деб эътироф этган. Шунингдек, у «Trade Finance Magazine» ва «Global Trade Review» нашрларининг «2012 йилнинг энг яхши битими» халқаро мукофотларига сазовор бўлган.

2014 йил 13 мартда яна бир нуфузли халқаро нашр — «Infrastructure Journal» ушбу газ-кимё

мажмуаси қурилиши лойиҳасини «Нефть-газ соҳасидаги 2014 йилнинг глобал битими» нуфузли мукофоти билан тақдирлади.

Мазкур лойиҳа қўшма корхона муассислари бўлган Жанубий Кореянинг «Kogas», «Lotte Chemical», «STX Energy» компаниялари ва «Ўзбекнефтьгаз» миллий ҳолдинг компаниясининг 1,4 миллиард доллар ҳажмидаги тўғридан-тўғри инвестицияси, шунингдек, 2,5 миллиард доллардан зиёд кредит ресурслари ҳисобидан молиялаштирилмоқда.

Лойиҳани молиялаштиришда Осиё тараққиёт банки, Korea Development Bank, Korea Finance Corporation (Корея Республикаси), China Development Bank (Хитой), ING (Нидерландия), Hermes, KfW, Bayern LB, Siemens Bank (Германия), Credit Suisse (Швейцария), EKN, Nordea, SEC (Швеция) каби тараққиёт банклари ҳамда етакчи тижорат банклари, шунингдек, Жанубий Корея, Германия ва Швециянинг лойиҳани амалга оширишда қатнашаётган банкларга суғурта тўловларини тақдим этган экспорт-импорт агентликлари сингари нуфузли молия муассасалари иштирок этаётган ушбу лойиҳанинг нақадар истиқболли эканидан далолат беради.

2012 йилда бошланган қурилиш ишлари бугунги кунда жадал давом этмоқда. Замонавий инфратузилма объектлари барпо этилиб, ускуналар ўрнатилмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу ерда меҳнат қилаётган ишчи ва мутахассислар билан суҳбатлашди.

Меҳнатсеварлик, самимийлик, бағрикенглик каби фазилатлар ўзбек ва корейс халқларига бирдек хос, деди Ўртбошимиз.

Мажмуа қурилишида 6 минг 400 га яқин киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг 3 минг 500 дан зиёди юртимиз мутахассислари бўлиб, аксарияти ёшлардир.

Биз мустақиллигимизнинг илк йилларида келажак буюк давлат қуришни ўз олдимишга мақсад қилиб қўйган эдик, деди Президентимиз. Бугун замонавий билимларни пухта эгаллаган, мана шундай ноёб завоқларда ишлаётган ёшларимизга қараб қувонамиз ва ана шу эзгу ниятларимизга эришаётганимизнинг амалий ифодасини кўрамиз.

Давлатимиз раҳбари бу ерда меҳнат қилаётган ишчи ва мутахассисларнинг яшаш ва меҳнат шaroитлари билан қизиқди.

Учрашувда «Uz-Kor Gaz Chemical» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси бошқаруви раиси Ли Хонг Йол, «Lotte Chemical» компанияси директори, лойиҳанинг техник раҳбари Хюн Чул Пак, «Hyundai engineering» компанияси менежери, Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилиш майдони раҳбари Ким Ван Су ва бошқалар яратилган қулай шарт-шaroит, доимий эътибори учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

**Анвар САМАДОВ,
Аминбой ОРТИҚБОВЕ,
ЎЗА махсус мухбирлари**

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Мамлакатимизда таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларни узлуксиз ўрганишни ташкил қилиш, ўқитувчилар малакасини ошириш, билим масканларини замонавий ўқув-услубий материаллар билан таъминлашни янада яхшилаш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.



2013-2014-ўқув йилидан чет тилларни, асосан, инглиз тилини ўрганиш умумтаълим мактабларининг биринчи синфларидан ўйин тарзидаги ва оғзаки нутқ дарслари шаклида, иккинчи синфдан бошлаб эса алифбо, ўқиш ва грамматикани ўзлаштиришдан босқичма-босқич бошланди.

Шунга қўра барча умумтаълим мактабларининг бошланғич синфхоналари ўқув адабиётлари, лугатлар ва DVD магнитолалар билан таъминланди. Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандарти ишлаб чиқилди. 1-9-синфлар учун инглиз, француз ва немис тилларидан махсус ўқув дастурлари яратилди.

(ЎЗА)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Қарши шаҳрида «Интернет ва ахборот-кутубхона ресурсларидан фан, таълим, маданият ва бизнес соҳаларида фойдаланиш» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда депутатлар, тегишли вазирлик ва идоралар, халқаро ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маънавият тарғиботчилари, АҚШ, Германия, Озарбойжон, Россия, Қозоғистон каби мамлакатлардан соҳа мутахассислари ва экспертлар иштирок этди.

• Президентимизнинг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Адлия вазирликлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳамкорлигида ўтказилаётган «Тафаккур синовлари» кўрик-танловининг Самарқанд вилоят босқичида бешта олий ўқув юрти жамоалари иштирок этди.

• Фарғонада тадбиркорликни ривожлантириш, хусусан, қулай ишбилармонлик муҳити яратиш, ишлаб чиқариш салоҳиятини юксалтириш, соҳа вакилларига зарур амалий қўмак бериш масалаларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Очiq мулоқот тарзида ўтган тадбирда тадбиркорлар учун яратилаётган имтиёзлар, қурилиши тугалланмаган ва бўш турган объектлар, кам қувват билан ишлаётган корхоналар фаолиятини тиклаш ҳисобида янги иш ўринлари яратиш борасидаги ишлар ҳақида маълумотлар берилди.

• Навоий шаҳрида «Менинг бизнес гоям» танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда ҳудуддаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг юз нафарга яқин битирувчилари ўз бизнес гоёси билан иштирок этди. «Камолот» ЁИХ ва Марказий банк вилоят бош бошқармаси томонидан ташкил қилинган ушбу тадбир доирасида ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга қаратилган семинар-тренинглар ўтказилди.

ЖАҲОҲОНДА

• БМТнинг иқлим ўзгаришларига бағишланган маърузасида қайд этилишича, иқлим ўзгаришлари оқибатларини бартараф этиш учун жаҳон мамлакатлари йилига юз миллиард доллардан ортиқ маблағ сарфлашига тўғри келади. Зеро, 2050 йилга бори ҳароратнинг икки даражага ортиши дунё даромадининг икки фоизи фақат иқлим ўзгаришлари оқибатларига қарши курашга йўналтирилишини талаб этади. Аниқ амалий чоралар кўришга ҳозирдан киришилмас экан, ушбу харажатлар сезиларли даражада кўпайиши ҳам мумкин.

• Марказий Африка Республикасининг Манга Боугила қишлоғида жойлашган «Чегарасиз шифокорлар» халқаро инсонпарварлик ташкилоти клиникасига жангарилар томонидан қуролли ҳужум уюштирилиши натижасида камида 22 киши ҳаётдан кўз юмди.

• Испанияда ушбу мамлакат адабиётининг устунларидан бири ҳисобланмиш, 1616 йилда ҳаётдан кўз юмган ёзувчи Мигель де Сервантеснинг ҳокими излаш жараёни бошланди. Испан олимлари шу мақсадда Мадриддаги ибодатхонада тадқиқот ишларини олиб борадилар.

Соғлом ва мустақил фикрга эга, ҳар жиҳатдан баркамол инсонни тарбиялаш, ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларни эзгу гоёлар руҳида камол топтиришда миллий адабиётимизнинг ўрни ва аҳамияти катта. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида бадий адабиётни равнақ топтириш, бу йўлда фидокорона меҳнат қилган ижодкорлар меҳнатини қадрлаш, марҳум ижодкорлар хотирасини эъзозлаш масаласи доимий эътиборда бўлиб келмоқда.

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф жўшқин ва серқирра ижодий фаолияти, жонажон Ватанимиз, мустақиллигимиз, меҳнатсевар халқимизни мадҳ этувчи шеърлари билан адабиёт муҳлисларининг ардоғига сазовор бўлган ҳассос ижодкорлардан эди.

Шу кунларда юртимизнинг барча ҳудудларида Ватан ва истиқлол куйчиси таваллудининг 60 йиллиги кенг нишонланмоқда. Таълим даргоҳлари, корхона ва ташкилотлар, меҳнат жамоалари, маҳаллаларда, ҳарбий қисмларда шоирнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган адабий учрашувлар, анжуманлар, маънавий-маърифий тадбирлар, адабиёт кунлари бўлиб ўтмоқда.

Хабар берилганидек, «Туркистон» саройида 25 апрель куни Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигига бағишланган ижодий кеча бўлиб ўтди. Унда парламент аъзолари, ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунослар, маънавият тарғиботчилари, ўқитувчилар, кенг жамоатчилик вакиллари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллиги

ВАТАН ВА ИСТИҚЛОЛ КУЙЧИСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, «Ўзбекино» миллий агентлиги бош директори Ж.Қосимов, Ўзбекистон халқ артисти А.Рафиқов Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий маънавиятимизнинг узвий ва муҳим қисми бўлган адабиётни ривожлантириш, шоир ва ёзувчиларимизнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар юксак самаралар бераёт-

ганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 27 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Қарори бадий сўз санъати, унинг ривожини йўлида меҳнати сингган ижодкорлар хотирасини ардоқлаш борасида кўрсатилаётган эътиборнинг амалдаги яна бир ифодасидир.

(Давоми 2-бетда)



ВАТАН ВА ИСТИҚЛОЛ КҮЙЧИСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мухаммад Юсуф халқимиз маънавияти, онгу тафаккурини юксалтириш, ёш авлод қалбига ўзликни англаш, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини, эзгу фазилатларни камол топтириш борасида ёрқин истеъдоди, бетакорр бадий асарлари, ибратли ижтимоий фаолияти билан катта ҳисса қўшган. Унинг истиқлолимизга садоқат, она Ватанга муҳаббат туйғуларини маҳорат билан тараннум этган шеърлари, достонлари адабиёт муҳлислари, бутун халқимизнинг кўнгил мулкига айланган.

Мухаммад Юсуфнинг «Таниш терактлар», «Ишқ кемаси», «Эрка кийик», «Ўзингдан қўймасин, халқим» каби шеърӣ тўпламлари адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин эгаллаган. Унинг Ўзбекистонимизни, меҳридарё халқимизни, бегубор ва самимий туйғуларни тараннум этувчи шеърлари асосида қалбидан қўшиқлар санъат муҳлисари қалбидан жой олган.

Шоирнинг адабиётимиз равнақи йўлидаги меҳнатлари муносиб тақдирланган. Президентимиз Ислам Каримовнинг Фармонлари билан Мухаммад Юсуф «Дўстлик» ордени, Ўзбекистон халқ шоири фахрий унвони билан мукофотланган эди.

Давлатимиз раҳбари Қарори билан шоирнинг олтинчи йиллиги кенг нишонланаётган шу кунларда кино ижодкорларимиз томонидан унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳужжатли фильм яратилди. «Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компаниясида шоирнинг «Сайланма» асарлари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг «Адиб» нашриётида «Мухаммад Юсуф замондошлари хотирасида» тўплами чоп этилди. Шоир тахсил олган Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари

университетида унинг ибратли фаолиятига бағишланган музей хонаси ташкил этилди. Мазкур университет талабалари томонидан шоирнинг шеърлари кўплаб хорӣй тилларга таржима қилиниб, китоб ҳолида чоп этилди.

Ижодий кечада Мухаммад Юсуфнинг умр йўлдоши Назира Саломова юксак эътибор ва ғамхўрлик учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

— Истиқлол барча қалам аҳли сингари Мухаммад ақаннинг ҳам эркин ва самарали ижод қилиши учун кенг имкониятлар яратди, — дейди Н.Саломова. — Давлатимиз раҳбари томонидан унинг меҳнатлари юксак эътироф этилиб, хотирасини эъзозлаш юзасидан кўрсатилган ғамхўрлик ва эътибордан бошимиз кўкка етди.

Адабий кечада хассос шоир ҳаёти ва фаолиятига оид янги ҳужжатли фильм намойиш этилди. Концерт дастурида шоир шеърлари билан айтиладиган ашулалар янгради.

Ижодий кечада Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов иштирок этди.

Шу кун Ўзбекистон халқ шоири Мухаммад Юсуф яшаган пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги Пушкин-Солор қўчасидаги 1-уйда шоир хотирасига бағишлаб ёдгорлик лавҳаси ўрнатилди.

Халқимизнинг ардоқли шоири хотирасига бағишланган ижодий кечалар, маърифий анжуманлар, мушоиралар давом этмокда.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири
Отабек Мирсоатов олган сурат

Ватанимиз мустақиллиги шарофати билан юртимизнинг барча ҳудудларида, жумладан пойтахт Тошкент шаҳрида улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилаётгани, тарихан ўтган қисқа давр мобайнида асрларга тенг улғувор ишлар амалга оширилгани кишига ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Мухтарам Юртбошимиз 2012 йил 17 мартда бўлиб ўтган халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг сессиясидаги ўз маърузасида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги пойтахтимизнинг тугган алоҳида ўрнига тўхталиб, «Тошкентнинг сўнгги йилларда яққол эътироф этилаётган яна бир устувор хусусияти борки, у ҳам бўлса, унинг дунёдаги пойтахт шаҳарлар ўртасида экологик жиҳатдан тоза ва кўркам қиёфа касб этиб бораётганида ўз ифодасини топмокда. Хар йили янги-янги обод уй-жойлар, бог ва хиёбонлар, ижтимоий инфратузилма объектлари барпо этилаётгани, энг муҳими, бунёдкор Тошкент аҳлининг ўз уйи, ўз маҳалласи, ўз шаҳрига бўлган меҳри ва эътибори ана шундай эътирофга эришишда ҳал қилувчи омил бўлмокда», деб таъкидлаб ўтган эдилар.

Давлатимиз раҳбарининг шаҳар сессиясидаги нутқида кўзда тутилган устувор дастурий вазифаларни амалга ошириш, пойтахтда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишларини кенг тарғиб қилиш, шаҳар ҳудудини мунтазам тоза ва озода сақлаш мақсадида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ташаббуси билан шаҳар ҳокимлигининг алоҳида фармойиши қабул қилиниб, пойтахтимизда «Озода шаҳрим» тадбири кенг қўламда ўтказиб келинмокда.

Ушбу тадбир доирасида шаҳардаги мулкчилик шаклидан қатъи назар барча турдаги корхона, ташкилот ва идоралар ҳамда фуқаролар томонидан ўз ҳудуди ва турар жойи атрофида тозалаш ишлари мунтазам олиб борилиб, атроф-ҳудуднинг озода сақланиши таъминлаб келинмокда.

Корхона ва ташкилотлар, маҳалла фуқаролар йиғинлари билан биргаликда туман ҳудудидаги кўчаларни озода ва ораста сақлаш, шахсий турар жойларнинг ташқи кўринишини тартибга келтириш, дархатларга шакл бериб, оқлаш, гуллар, манзарали ва мевали дархатларни экиш ва уларни парва-

ришлаш, жойларда янги боғлар яратиш, кўчаларни супуриш, ариқлар ва лотокларни тозалаш, тўпланган чиқиндиларни ўз вақтида олиб чиқиб кетиш каби ишлар олиб боришмокда.

Атроф-ҳудудни тоза ва озода тутиш, бог-роғ қилиш халқимизга хос азалий қадриятлардан бири ҳисобланади. Хар бир инсон йўлда, уйда, бозорда, ишхонада биринчи навбатда атрофдаги тозалikka эътибор бериши табиий. Атроф озода бўлса кишининг дили яйрайди, аксинча юрган ва борган жойингизда тозалikka эътибор берилмаган, супуриб-сидирилмаган бўлса ки-

шининг дили хира тартади. Кўркам ва гўзал шаҳарда яшаган кишининг юриш-туриши ҳам одобли бўлиши керак.

Афсуски орамизда ҳали ҳам жамоат жойларида тозалikka эътибор бермайдиган, pista пўчоқлари, сигарета қолдиқларини дуч келган жойга ташлаб кетадиган, сигарет тутатиб бериш мумкинми? Ахир улар беморни даволаш ўрнига уларнинг касалини янада зўрайтириб юбормаслигига ким қафолат бера олади? Сир эмас аёллар орасида ҳам ошқора ва пинҳона чекадиганлар унча-бунча учраб туради. Енгил машина бошқарётган эркак аёлларнинг сигарета тутатиб юрганларини, унинг қолдиғини ҳеч иккиланмасдан катта йўлга улоқтириб юборишларини ҳаммамиз кўрамыз. «Ха,энди инсофни ўзига берсин» деб қўя қоламиз. Негадир бунга йўл ҳаракати хавфсизлиги назорати ходимлари ҳам эътибор беришмайдими.

Биз сигарета чекишни умуман тақиқлаш фикридан йироқмиз. Лекин хар

(шу жумладан, автомобилларга ёниги қўйиш шохобчаларида), бошқа жамоат жойларида, масалан, музейлар, театрлар ва шу каби бошқа жойларда тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш қатъий тақиқланган.

Лекин пойтахтимизнинг жамоат жойларида инсон саломатлиги, айниқса болалар ва хотин-қизлар соғлиғи муҳофазасига қаратилган ушбу Қонун талабларига тўлиқ риоя қилинганлиги деб бўлмайдими.

Бекатларда, кўчаларда, бозорларда, театр ва кинотеатр фойеларида, дўконларда сигарета тутатиб, унинг қолди-

ғини улоқтириб юбориш ҳаракатлари кўзга ташланади. Чекининг зарарли оқибатлари ҳақида қанча-қанча ёзилса ҳам ўз умрини, соғлиғини, бола-чақасини, қолаверса, оиласини ўйламаётганлар камайди дейишга ҳали эрта. Шифохона коридорларида ва хизмат хонасида сигарета тутатиб юрадиган врачларни шифокор дейиш мумкинми? Ахир улар беморни даволаш ўрнига уларнинг касалини янада зўрайтириб юбормаслигига ким қафолат бера олади? Сир эмас аёллар орасида ҳам ошқора ва пинҳона чекадиганлар унча-бунча учраб туради. Енгил машина бошқарётган эркак аёлларнинг сигарета тутатиб юрганларини, унинг қолдиғини ҳеч иккиланмасдан катта йўлга улоқтириб юборишларини ҳаммамиз кўрамыз. «Ха,энди инсофни ўзига берсин» деб қўя қоламиз. Негадир бунга йўл ҳаракати хавфсизлиги назорати ходимлари ҳам эътибор беришмайдими.

Биз сигарета чекишни умуман тақиқлаш фикридан йироқмиз. Лекин хар

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда «Аёллар ва ёшлар ўртасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш» мавзусида ўқув машғулоти ташкил этилди.

2014 йил — Соғлом бола йили

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ЎҚУВ МАШҒУЛОТИ

Унда маҳалла, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, жамоат ташкилотлари, таълим масканлари вакиллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирок этди.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларни кучли ижтимоий ҳимоялаш, барча соҳада кечаётган ислохотлардаги иштирокини кучайтириш масаласига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилмокда. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони хотин-қизларнинг меҳнат шaroитларини янада яхшилаш, уларнинг ҳуқуқий, иқтисодий билимларини тобора оширишдек эзгу мақсадларга хизмат қилмокда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан қасанчалик, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, янги иш ўринлари барпо этишга яқинда кўмаклашиш, коллежни битираётган қизларнинг меҳнат бандлигини таъминлаш юзасидан кўплаб лойиҳалар амалга оширилмокда.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида аёллар, оилавий тадбиркорлиқни хар томонлама ривожлантириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш, ишчиларнинг ҳамда эллик фойизини хотин-қизлар ташкил этувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига имтиёзли кредитлар ажратиш, чекка ҳудудларда «Бўлажак тадбиркор аёллар мактаби» лойиҳасини амалга ошириш масаласи муҳим вазифа сифатида белгиланган.

Хотин-қизлар қўмитасининг бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга ошираётган «Эҳтиёжманд оилаларга даромад манбаларини яратишда ижтимоий ёрдам кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш бўйича янги дастурлар» лойиҳаси айлани мақсадлар ижросига йўналтирилган. Лойиҳа доирасида маҳаллаларда истиқомат қилаётган хотин-қизларнинг ҳуқуқий, иқтисодий билимини ошириш, жойларда аҳолига тадбиркорлик асослари ва микрокредитлаш бўйича ахборот ва таълим хизматлари кўрсатиш юзасидан «Ахборот ойналари»ни ташкил этиш кўзда тутилган.

— Ўз бизнесини йўлга қўйиш истагидаги аёл ҳуқуқий, иқтисодий жиҳатдан билимдон бўлиши керак, — дейди Сирдарё туманидаги «Турон» маҳалла фуқаролар йиғини фаоли Нилуфар Бердимуродова. — Маҳалламиздаги аёллар асосан пазандалик, гиламдўзлик, чеварлик билан шуғулланади. Мазкур семинар уларнинг тадбиркорлик, микрокредитлар олишга оид билимини ошириш ҳамда маҳалламизда «Ахборот ойнаси» фаолиятини йўлга қўйишга кўмак беради.

Семинар давомида аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга оид чора-тадбирлар, бизнес фаолиятини қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқнинг мамлакат иқтисодий ривожланишида тутган ўрни каби мавзуларда маърузалар тингланди. Бизнес-ғояни баҳолаш, асосий йўналишларини белгилаш ва амалга ошириш усуллари, ғояларни шакллантиришга кўмаклашиш бўйича машғулотлар ўтказилди.

(ЎЗА)

қандай чекувчи тамаки маҳсулотлари истеъмоли маданиятга риоя қилиши лозим.

Жамоат жойларида киши дилини хира қиладиган яна бир нарсас бор. У ҳам бўлса асосан юз грамм ичкилик қўйиб беришга ихтисослашган майдочда савдо шохобчаларининг кўпайиб бораётганлигидир. Баланс овозда гапириш, бир-бирини ҳурмат қилмаслик, куракда турмайидиган сўзларни ишлатиш, айнаш шу масканчаларда илдиқ отган. Қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда бу масалага маданий тарзда ёндошилди, тегишли тартиб ўрнатилса яхши бўларди.

Баъзи жамоат жойларининг ифлос бўлишида биз катталарнинг ҳам айби бор. Сигарета қолдиғини, бўш баклашкани улоқтирган, pista пўчоқини дуч келган жойга ташлаб кетадиганларга танбех бермаймиз. Кўрсак ҳам кўрмаганга олиб кетаверамиз. Бундай лоқайдликка чек қўйишнинг ўрни келмадимики, деган савол туғилади.

Бу борада, айниқса, таълим муассасаларида ахлоқ-одоб дарслари савиясини янада кўтариш лозим. Мактаб, коллеж ва лицейларда пинҳона сигарета тутатадиган баъзи болаларга қаттиқ танбех берилибгина қолмай, шу ҳолатга йўл қўйган муассаса раҳбарларига нисбатан тегишли ижтимоий чоралари қўрилишини ўйлаб кўриш керак. Ёшлар, жумладан ўқувчи ва талаба-ёшлар орасида тамаки ва алкоголь маҳсулотларининг зарари ҳақида мазмунли ва таъсирли тарбия соатлари ўтказилса, телевидение орқали роликлар намойиш этил борилса, олиб борилаётган ишлар янада самарали бўлиши мумкин.

Тошкент йирик мегаполис шаҳар. У нафақат пойтахт аҳолисининг, балки барча ўзбекистонликларнинг кўркидир. Хар биримиз учун азиз бўлган шаҳримизни авайлаб-асраш, уни дунёнинг энг гўзал, тоза ва кўркам шаҳарларидан бирига айлантириш хар биримизнинг муқаддас бурчимиз эканлигини, тозалikka риоя қилиш ҳам катта маданият эканлигини асло унутмайлик, азизлар!

Отабек ЖИЯНБАЕВ,
халқ депутатлари
Тошкент шаҳар
Кенгаши депутати

МИРЗО УЛУГБЕК ВОРИСЛАРИ

Ҳамкасбларимиз билан яқинда Самарқанд зиёратига бордик. Мирзо Улуғбек расадхонасида кўплаб хорӣйликларга дуч келдик, айримлари билан сўхбатлашдик.

Америкалик астрономия ўқитувчиси Логан Робертс Улуғбек ҳақида кўп ўқиб-ўрганган, унинг расадхонасини кўришни бир умр оруз қилган экан. «Ғарб кемалари денгизларда адашиб юрган, Америка борлигини бирор билимаган даврда Самарқандда фундаментал тадқиқотлар олиб боришга, юлдузлар жойлашувини асосида ўзига хос компас яратилгани ғоят ҳайратланарли», деди у ҳажонини яширолмай. Буюк бобокалонимиз, жонажон Ватанимиз ҳақида бундай сўзларни эшитиб, ғурурланиб кетдим.

Дарҳақиқат, Мирзо Улуғбекнинг жаҳон илм-фани, айниқса, астрономия ривожига қўшган ҳиссаси беқиёсдир. Унинг мингдан зиёд юлдузнинг осмондаги аниқ координатаси жамланган астрономик ҳақдали — «Зикри Қўрагоний» асари ўрта асрларда Осиё ва Европа мамлакатларида кенг тарқалган. Европалик астрономлар уни лотин, француз, инглиз тилларида таржима қилган, унга шарҳлар битган. Ўрта асрларда ёзилган ҳеч бир астрономик асар бунчалик кенг оммалашмаган ва шухрат қозонмаган.

Мирзо Улуғбек расадхонасида қўлланилган осмон ҳисмаларини кузатишнинг ўзига хос усуллари ва асбоб-ускуналар ажодларимизнинг бемисл маҳорати ва улкан ижодий салоҳияти тимсоли сифатида бугунги кунда ҳам инсониятни ҳайратга солиб келмокда. Ўз даврида жаҳон астрономия марказига айланган бу даргоҳда Мирзо Улуғбек бошчилигида кўп йиллар мобайнида самоний кузатиш ишлари олиб боришган. Қўёш, ой, сайёраларнинг ҳаракатлари ўрганилган ва юлдузларнинг координатлари ўлчанган.

Президентимиз Ислам Каримов раҳмонлигида Мирзо Улуғбекнинг бой илмий меросини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмокда. Аллома яшаган давр, унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида янги-янги китоблар, илмий мақолалар, бадий асарлар яратилмокда.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Мирзо Улуғбек номидаги Астрономия институтида буюк ажодимизнинг илмий изланишлари муносиб давом эттирилмокда. Марказий Осиёдаги қўна илмий муассасалардан бири бўлган ушбу институт ходимлари астрономия, астрофизика ва янги астрофизикология йўналишида турли тадқиқотлар олиб бораётир. Марказий Осиё минтақасидаги аҳоли пунктларининг географик жойлашувини аниқлаш, вақтни аниқ белгилаш хизмати, Қўёш ва унинг фаолиятини мониторинг қилиш ҳамда бошқа кўплаб ишлар шулар жумласидандир.

Мамлакатимиз олимлари астрофизика соҳасида улкан ютуқларга эришмокда, — дейди ЎЗА муҳбирига мазкур институт директори, физика-математика фанлари доктори, профессор Шухрат Ғамбардиев. — Хусусан, ёш тадқиқотчиларимиз томонидан юлдузлар, магнитлар, «бўриқ ичи» ва «қора тўйнуқ» каби коинот объектлари астрофизикасида оид вазирлар баҳарилди. Ушбу изланишлар натижаларига кўра юздан зиёд илмий мақола тайёрланиб, нүфузли халқаро журналларда чоп этилди. Институтида қўлга киритилган ютуқлардан яна бири янги КН15Д юлдузи атрофидаги сайёра булутининг аниқланиши бўлди.

Астрономик тадқиқотларда Майданқаб обсерваторияси алоҳида аҳамият касб этади. Самарқанддан 120 километр узоқликда, денгиз сатҳидан 2700 метр баландликда жойлашган мазкур расадхона Канар ва Гавай оролларидаги йирик халқаро обсерваториялар ўртасида болган бўлишига, астрофизик объектларни ўзлашувчи кузатиш учун ғоят муҳим нуқта ҳисобланади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, Майданқаб обсерваторияси астрофизика тарихи, сифати, ҳақидаги кўп йиллик кузатув маълумотлари банки мавжуд бўлган жаҳондаги туртинчи расадхонадир. Майданқаб обсерваторияси 2001 йилдан буюн янги юлдузлар кузатувчилари жамоаси таркибига киритилган бўлиб, бу борадаги ишлар Веспелан университетини (АҚШ) билан ҳамкорликда амалга оширилаётир. 2008 йили бу ерда МДХда ягона роботлаштирилган ТАТ телескопи ўрнатилди. Телескоп Ер шарининг исталган жойидан турли масофадан бошқариш орқали автоматлаштирилган астрономик кузатувлар ўтказиш имконини беради. Бундан ташқари, ушбу обсерватория энг замонавий ёруғлик детекторлари ва бошқа асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Обсерваториядаги АЗТ-22 телескопи Марказий Осиёдаги энг йирик телескопдир.

Ўзбекистонлик ва хорӣйлик олимлар бу телескоплар ёрдамида кўплаб лойиҳаларини ҳаётига татбиқ этмокда. Ушбу лойиҳалар доирасида ёш юлдузлар ва Қўёш тизими ташқирисидagi сайёралар кузатилиб, атмосферадаги яқна юлдузлар ва қўш ҳамда қаррали тизимлар таркибига кирадиган юлдузларда рўй берадиган динамик жараёнлар ўрганилиб, бошқа йўналишлардаги ишлар тадқиқ этилмокда. Шунингдек, Майданқаб обсерваторияси ўзининг қулай жойлашуви ва атмосфера шaroити туфайли Ер шарӣ ўртача хароратини мониторинг қилиш бўйича халқаро дастурда ҳам иштирок этмокда.

2007 йилнинг октябры ойида Майданқаб обсерваториясида кашф этилган янги кичик сайёра нафақат институти фаолиятидаги, балки мамлакатимиз астрономия илми тарихидаги муҳим воқеалардан бири бўлди. 2009 йилда ушбу сайёра 201271 рақами билан халқаро каталогга рўйхатга олинди. Президентимиз Ислам Каримов тақлифига биноан 2010 йилда Гарвард кичик сайёралар маркази унга астрономия соҳасидаги дастлабки инновациялар яратилган шаҳар шарофига «Самарқанд» деб ном берди.

Бундай ютуқларга эришишда илмий кадрлар салоҳияти муҳим ўрин тутди. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Алишер Навоий номидаги Самарқанд ва Қарши давлат университетларида «астрономия», Низоми номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Жиззах, Қўқон, Навоий ва Нукус давлат педагогика институтиларида «физика ва астрономия» мутахассислигини бўйича бакалаврлар тайёрланамокда. Мирзо Улуғбек номидаги Астрономия институти ҳузурида ташкил этилган илмий-таълим обсерваториялари ва астрономия-ахборот ресурслари тармоқи талабалар ва тадқиқотчилар учун илмий марказ бўлиб хизмат қилмокда.

Давлатимиз раҳбарининг илм-фан ривожига қаратаётган алоҳида эътибори самарасида мустақиллик йилларида астрономия соҳасида ҳам кўплаб фан докторлари етишиб чиқди.

Астрономия институти жаҳоннинг ўттиздан зиёд обсерваториялари, университетлари ва илмий марказлари билан фаол ҳамкорлиқни йўлга қўйган. Улар орасида Сеул (Жанубий Корея), Стэнфорд, Питтсбург ва Веспелан (АҚШ), Ницца (Франция) университетлари, Япония миллий обсерваторияси, Европа жанубий обсерваторияси, Потсдам ерни ўрганиш маркази каби қатор нүфузли илмий муассасалар бор. Ушбу ҳамкорлик доирасида мутахассислар, айниқса, ёш олимлар етакчи астрономия марказларида малака оширмокда.

2009 йилда буюк олим ва мутафаккир Мирзо Улуғбек таваллудининг 615 йиллиги муносабати билан Астрономия институти ҳузурида Астрономия музейи очилди. ЮНЕСКО билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу музей мамлакатимизда коинот тадқиқотларини соҳасини ривожлантириш ва Мирзо Улуғбек меросини кенг тарғиб этиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг яна бир ёрқин намунаси бўлди. Унда астрономия фанининг ривожланиш босқичлари ҳамда Мовароуннаҳр ва Европа олимларининг илмий тадқиқотларини ўзидан намойн этган бой экспозициялар, жумладан, турли асбоб-ускуналар, телескоплар, ҳужжатлар ва буюмлар жамланган. Музейдан жой олган Мирзо Улуғбек расадхонасининг асосий ускунаси — деворий квадрантнинг макети аллома давридаги астрономик кузатувлар ҳақида тўлиқ маълумот беради.

Институтида астрономия ва астрофизика соҳасида изланишлар олиб бориш, илмий ишланмаларни амалиётга жорий этиш, тадқиқотларнинг янги истиқболли технологияларини ўзлаштириш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмокда. Бу ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантириш, мамлакатимизнинг халқаро нүфузини янада юксалтиришда муҳим омил бўлади.

Шу йил 15-16 май кўнлари Самарқандда бўладиган «Ўрта асрлар Шарқ алоамалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро илмий конференция иштирокчилари улғу астроном, буюк бобоимиз Мирзо Улуғбекнинг бой илм-фани ривожига қўшган улкан ҳиссаси хусусида фикрлашди.

Ирода УМАРОВА

Маҳалла — ота-она



Юртимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий ва маънавий қадриятларни эъзозлаш, уларни изчил тарғиб қилиш, халқимизнинг эзгу удум ва аъёналарини кенг оммалаштиришга катта эътибор қаратилиб, ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Бугунги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ишхотлар жараёнидаги иштироки кенгайиб, жамоатчилик назорати институтининг шаклланишидаги аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Фуқаролар йиғинлари фаолиятининг асоси қонунийлик, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, демократия, ошқоралик, ижтимоий адолат, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишда мустақиллик, жамоатчилик асосидаги ўзаро ёрдам, ижтимоий шериклик, маҳаллий урф-одатлар ва аъёналарни ҳисобга олиш каби бир қатор хайрли мақсадларга қаратилган.

2013 йил 7 октябрда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини янада ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари» тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Мазкур қарор асосида 13 та низомлар тасдиқланди.

Фуқаролар йиғинларида тафтиш комиссияси ва фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича бир қатор комиссиялар тузилган бўлиб, улар таркибига ҳаётий тажрибага эга бўлган, намунали оила бошлиқлари, аҳоли ўртасида обрў-эътиборли ҳамда ўзининг тарбиявий таъсирини ўткази оладиган маҳалла фаоллари, шу жумладан ташаббускор ёшлар киритилган.

Бундан ташқари саккизта йўналиш: маҳалладаги узатилиш ёшидаги қизлар, ўйлаши ёшидаги йигитлар, ёш оилалар, «Ораста қизлар давраси», «Намунали қайноналар», «Намунали қайноналар», умумтаълим мактабиде ўқийдиган маҳалла болалари ва Репродуктив саломатлиги йўналиши бўйича ҳам тарғибот гуруҳлари тузилган.

Мазкур тарғибот гуруҳларига тумандаги меҳнат фаоллари, фахрийлар, обрўли, намунали оила вакиллари жалб этилган. Улар маҳаллалардаги ёш оилалар, қайноналар, ёш келин-куёвлар, турмуш қуриш остана-сида турган ёшлар ўртасида «Оила қуриш масъулияти», «Рўзгор ўғитлари», «Қайнона, қайнона ва турмуш ўртоғи билан муносабатлар психологияси», «Сабр-қаноат масалалари», «Оиланинг ҳуқуқий асослари», «Репродуктив саломатлиги», «Тўй-ҳашамларни ихчам, исрофгарчиликсиз ўтказиш» ва бошқа мавзуларда тарғибот ишларини олиб бормоқдалар.

Юртимизнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон хотин-қизлар кўмаги фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида асосан маҳаллаларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар вазифаси жорий этилган.

Жумладан, Сергели туманида 33 та маҳалла бўлиб ҳозирда барча маҳаллаларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолият юритиб келмоқда.

Маслаҳатчи лавозимига ҳаётий тажрибага эга бўлган, аҳолига, биринчи навбатда ёшлар онгига соғлом турмуш тарзи талабларини сингдира олувчи, миллий қадриятлар ҳамда, ибратли урф-одатларни

тарғиб қилиш ва ривожлантириш масалаларида ижобий таъсир кўрсата оладиган, эл-юрт олдида обрў-эътиборга эришган, ижтимоий фаол хотин-қизлар тайинланган ҳамда келажак учун кадрлар захираси билан тўлдириб келинмоқда.

Маълумки, тарбия аввало оиладан бошланади. Оиладан болаларга бериладиган дастлабки маънавий-ахлоқий ва ҳуқуқий тушунича, тасаввур ва малакалар ушбу йўналиш доирасидаги ота-оналарнинг саводхонлиги даражасига бевосита боғлиқдир. Айниқса, болалар онгига маънавият, мафкура, ахлоқ, тиббий, ҳуқуқий маданият тушунчаларини сингдириш ота-оналардан аниқ билим ва кўникмани талаб этади.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, ота-оналарнинг саводхонлик даражасининг ошишида ўзини ўзини бошқариш органлари бўлимиш маҳалланинг роли катта. Маҳаллаларда жамоатчилик асосида ташкил этилган

туғма ва ирсий касалликларни аниқлаш мумкинлиги ҳақида тушунтирилди.

Ўтган вақт давомида ижтимоий ҳимояга муҳтож ёш оилалар, фуқароларга имкон қадар моддий кўмак берилди, олий таълим муассасаларида бакалавр босқичида таълим олаётган ногирон ҳамда етим талабаларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида, уларга ўқув-контракт шартнома пулларининг тўлинишида ҳам амалий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, хомийлар ёрдамида 184 та болалар майдончалари таъмирланди, атрофлари тозаланиб, кўкаламзорлаштирилди. Тумандаги «Мустақиллик», «Темирийўлчи», «Ўзгариш», «Ерқин ҳаёт», «Оқибат», «Наврўз», А.Жомий, «Нўғай-қўрғон» маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларида 8 та спорт майдончалари қуриб фойдаланишга топширилди. «Тинчлик», «Янги Сергели», «Темирийўлчи», Амир Темур, «Олтин Водий», Ҳабибий номли маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларида янги болалар майдончалари ташкил этилди.

Миллий ва умуминсоний қадриятларни мустаҳкамлаш, шунингдек, мамлакатимиз келажакда бўлган соғлом, баркамол авлодни шакллантиришда оиланинг роли ва аҳамиятини ҳар бир фуқаро онгига сингдириш мақсадида, барча маҳаллаларда нуруний онахон, отахонлар, намунали оила бошлиқлари иштирокида тадбирлар ўтказиш давом эттирилмоқда.

Келажак режаларига келсак, болаларнинг бўш вақтларини кўнгилли ўтказиш мақсадида тумандаги уй-жой ҳақларида ХУЖМШлар ва хомийларни жалб қилган ҳолда замонавий ва ҳавфсиз 66 та болалар майдончалари қуриш режалаштирилган.

Маҳаллаларда «Гўзаллик салони», тикув цехи ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини очишга кўмаклашиш борасида ишлар бошлаб юборилган. Бугун туман ҳудудида 2 та оталар чойхонаси, 2 та пойабзал таъмирлаш устaxonаси, 4 та савдо дўкони, 1 та омборхона қурилиши бошлаб юборилган.

Ёш мавсумида ташкил этиладиган оромгоҳларда ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида кам таъминланган оилалар фарзандлари ҳамда иқтидорли болаларни бепул йўлланмалар билан таъминлаш белгилаб олинган.

Яна шуни айтиб ўтиш мумкинки, «Соғлом бола йили»да «Биз — Мустақиллик фарзандларимиз» шiori остида 40 нафар кам таъминланган оилалар фарзандлари ҳамда турли танловлар ғолибларини Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларига саёхатларини уюштириши ҳам режага киритилган. Хулоса қилиб айтишда бўлсак, мақсадимиз, фаолиятимиз мезонини аҳолига хизмат қилиш ва маҳаллаларимиз гуллаб-яшнашига ҳисса қўшишга қаратилган.

Гулнора РАУПОВА,
«Маҳалла» хайрия
жамоат фонди Сергели туман бўлими бош
муҳаррири

АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР МАСКАНИ

Бугунги кунда маҳалла ўзини-ўзи бошқаришнинг халқимиз аъёналари, урф-одатлари ва қадриятларга хос бўлган усулидир. Маҳалла бежизга «Қадриятлар бешиги» дея таърифланмайди, чунки бу бешикда тоза ниятлар, мурғак қалбларга сепилган эзгулик ниҳоли уруғлари униб чиқиб, у кишини ҳамиша олдинга интилишга, атрофдагиларга озгина бўлса ҳам меҳр улашишга ундайди...

Қадимда маҳаллалар номи ўша жойларда яшайдиган аҳолининг асосий шугулланидиган касб-кори бўйича юритилган. Масалан: Тақачи, Мисгарлик, Заргарлик, Пичоқчилик, Дегрезлик (қозон қуювчи). Юнусобод туманидаги Оқтепа маҳалласи археологик ёдгорлик номи билан аталади. Очлопар маҳалласи ҳозирги кунда Очлопар 1, 2 маҳаллаларига ажралган. Манбаларда айтилишича, Очлопар маҳалласининг шундай номланишига қадимда бу ерларда мол-йўлқ боқадиган яйлов бўлиб, тўй, байрам, сайилларда пойга, кўпкари, улоқ каби мусобақалар ўтказилган бўлиши мумкин.

Утепа туманидаги «Катта Қаяни» маҳалласининг номи маҳалла ҳудудидаги Фозилтепа археологик ёдгорлиги (IV-VIII асрлар тарихий манбаларида қайд этилган). — Қангли кўргони номидан олинган бўлиши мумкин ва Қаяни бўлиб кетган.

Қадимда шахарларимиз даҳаларга, даҳалар эса маҳаллаларга бўлинган. Тошкент қадимдан 4 даҳа: Кўкча, Себзор, Шайх Хованди Тоҳур ва Бешёғоч даҳаларидан иборат бўлган. Ҳар бир маҳалланинг жамоат маркази — ўз гузар бўлган. Ҳар бир гузарда чойхона, новвойхона, баққолик, қассоб дўкони, масжид, ҳовуз, сартарошхона, ямоқчилик, устадўзлик, қосибчилик дўконлари бўлган ва қадимда аҳоли юқорида айтиб ўтган касб-корлар билан шугулланишган. Чойхоналар ҳаёт, ибрат мактаби вазифасини ўтаган. Ҳар бир хонадоннинг саришталлиги учун ўша хонадоннинг аёли, қизи, келини масъул бўлган.

Қадим-қадимдан маҳаллаларда қўшничилик муносабатлари жуда яхши йўлга қўйилган. Кишилар ўртасида меҳр-оқибат кўрсатиш, муҳтожларга ёрдам қилини чўзиш, беморлар, кексалар ҳолидан хабар олиш, тўй-ҳашам, маъракаларда қўшнини қўллаб-қувватлаш, йўқовлар — ҳам-манинг инсонийлик бурчи ҳисобланган.


Ҳар ким савоб олиб қолишга шовшган, уволдан кўрққан. Қўшни сўзининг маъноси ўзи қўш-девор — дармиён, ини, ҳамиша ақа-уқадек бир-бирига яқин деган маънони англатар экан. Ҳадиси шарифда айтилишича, бир одам ўнг тарафидан 40 та, чап тарафидан 40 та қўшни билан қўшничилик муносабатлари олиб бориши керак экан. Яна «қўшни ҳақи, қариндош ҳақи» деган тушунчалар ҳам айтиб ўтилганки, биз ҳақни талаб қилиш билан биргаликда ҳақимизни адо этишни ҳам эсдан қаймаслигимиз керак. «Бир болага етти қўшни ота-она», «Гилам сотсанг қўшинингга сот, бир четиде ўзинг ўтирасан» деб бежизга айтилмайди. Фарзандларимиз ҳам қўшнининг яхши хулқидан, фазилатидан андоза олади.

Маҳаллаларимизда саховатпешалик, ҳимматлилик энг яхши фазилат ҳисобланган. Муҳтожлар ҳамиша саховатли инсонлар томонидан совға-саломлар билан йўқланган.

Ҳозирги кунда ҳам юқорида санаб ўтган қадриятларимиз ўз қимматини йўқотмаган. Маҳаллаларда ҳашар йўли билан турли хил ободончилик, бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Қўмакка муҳтожларга ҳамиша меҳр-саховат кўрсатилиб, моддий ва маънавий кўмак кўрсатишмоқда.

Бугун мустақил диёримизга ҳавас билан боқишади. Юртимизнинг зилол сувларига, болдек тотли меваларига, ғўрадан бол, чўпдан ниҳол етиштирадиган ҳазрати инсонларга, дунёларга бергусиз қадриятларга, кишиларимиз ўртасидаги меҳр-оқибатга ҳеч қачон кўз тегмасин, маҳаллаларимиз бунданда обод ва файзли гўшага айлانسин.

Гулчеҳра КАРИМОВА,
Ўзбекистон Фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси марказий кенгаши қошидаги «Ёшлар ва фахрийлар билан ишлаш» гуруҳи аъзоси



Кейинги йилларда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва озодаликка қаратилган катта эътибор туфайли шахримиз кундан-кунга чирой очиб, кўрган кўзларни қувнатмоқда. Айниқса бу борада маҳаллаларда олиб борилаётган ишлар жуда салмоқли десак, ҳато бўлмайди.

МАҲАЛЛА ОБОД — ЮРТ ФАРОВОН

Фикримизни шахримиздаги энг намунали маҳаллалар қаторидаги «Дўмбиробод» маҳалласи мисолида давом эттириш ниятида ушбу файзли гўшага бордик. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, ушбу сўлим ва ораста маҳаллага кириб келсангиз албатта кўнглингизда бир илқлик уйғонади.

— Маҳалламиз фахримиз, ифтихоримиз, унда меҳр-муҳаббат, дўсту биродарлик, йилқилини суяш, кўмакка муҳтожларга беминнат ёрдам қилини чўзиш, ёшларга устоз, кўмакчи бўлиш каби инсоний хислатлар ҳукмрон, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Комилжон ака Қайомов. — Шу кўнгалча нимагаки эришиб келаётган бўлсак, маҳалла аҳолининг бир ёқадан бош чиқариб ҳамжихатликда иш олиб бораётганлигида, муаммоларимизни ўзимиз ҳал қилиб олдинга қараб интилаётганлигимизда. Мана, кейинги пайтда амалга оширилган эзгу ишларимиздан бирини айтсан, ҳудудимиздаги 167-мактабгача таълим муассасаси яқинида ташландик бир майдон бўлиб уни эпаккага келтирилмай қийналиб юрардик. Ҳозир бу жойда маҳалламиздаги ҳимматли тадбиркор бошчилигида ҳашар йўли билан 50 та ўринга мўлжалланган юрак-қон томирлари касалликлари бўйича клиника қад ростлаб, иш бошлади. Замонавий тиббий асбоблар билан жиҳазланган ушбу клиника шифокорлари айнаи кунларда нафақат «Дўмбиробод», балки шахримизнинг бошқа маҳаллалари аҳолисига намунали хизмат кўрсатмоқда.

Яна кўни кеча фойдаланишга топширилган ёпиқ сув ҳавзасини айтишимиз мумкин. Қўшда иссиқ бўлиб, йил ўн икки ой соғлом турмуш тарзини танлаган ҳамшаҳарларимизга хизмат қилишга мўлжалланган ушбу сузиш ҳавзасида

кичкинтойлар учун ҳам кичик бассейн мавжуд бўлиб, барчани мамнун этмоқда.

— Маҳалламизда турли миллат вакилларида иборат 9750 нафардан ортик аҳоли истиқомат қилади, — дейди сўхбатимизга қўшилган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Дилбар Топилова. — Йилимизнинг «Соғлом бола йили» эканлигиндан қелиб чиққан ҳолда Давлат дастури асосида катта режалар асосида иш бошланган. Ҳудудимиздаги 33-оилавий поликлиника шифокорлари билан аввало аҳолини тиббий қўриқдан ўтказиб, уларга маслаҳат, йўл-йўриқлар берилмоқда. Соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, саломатлиқни сақлаш аввало ўз қўлимизда эканлигини ҳар бир фуқарога етказиш бўйича бир қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Ҳафтанинг беш куниде ҳам ўтказиладиган тадбирларимиз бўлиб, уларда ўз соҳасининг мутахассислари тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борадилар. Ота-оналар университетини машғулотири эса ёшларимизни тўғри йўлга солиш, одоб-ахлоқ мезонлари ҳақида фикр алмашиш тарзида ўтказилганлиги учун ҳам яхши натижаларга эришилмоқда. Ахир ёшлар эртаимиз, келажакимиз, бошланган ишларимиз давомчилари экан, улар мана шундай кўтаринки руҳда соғлом ва маънан етук бўлиб вояга етиши лозим.

Дарҳақиқат, мана шундай жонқуяр ва фаол инсонлар бор экан, маҳаллаларимиз бунданда обод бўлиб, маҳалладошларни хайрли ишларга етаклайверади.

Шоира МУҲАМЕДОВА
СУРАТДА: маҳалла оқсоқоли Комилжон Қайомов (ўртада) фаоллар билан кейинги иш режаларини маслаҳатлашмоқда
Ислам Исмомов олган сурат

СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИГА БАҒИШЛАНГАН ИЛМИЙ АНЖУМАН

«Соғлом бола» деганда нафақат жисмонан, балки ақлан, руҳан етук, илми, интеллектуал салоҳияти юқори ёшлар кўз олдимизда гавдаланади. Чунки айнан ана шундай баркамол ёшларгина буюк келажак пойдевори бўла оладилар.

Бундай қиммат келажак авлодни тарбия қилиш борасида ўзига хос гоёлар ва янгиликлар билан ўртоқлашиш ва тажриба алмашиш мақсадида Тошкент Давлат иқтисодиёт университети қошидаги аниқ фанларга ихтисослашган давлат умумтаълим мактабиде «Соғлом бола йили»га бағишланган ўқувчи ва ўқитувчиларнинг илмий-амалий, маърифий анжумани ташкил этилди.

Анжуманда ёш мактаб ўқитувчилари билан бир қаторда, катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган пойтахт университетларининг профессор-олимлари ҳамда меҳнат фахрийлари иштирок этиб, математика, физика, кимё, информатика, тарих, биология, адабиёт, инглиз тили ва рус тили фанлари бўйича 50 дан ортик маърузалар тингланди ва муҳокама қилинди.

Айниқса профессор М.Мирзааҳмедовнинг «Ўқувчиларнинг фанлар бўйича компетентлиги» маърузаси анжуман иштирокчиларининг эътиборини тортди. Улар ўқувчилар компетентлигининг ўзи нима? У нима учун керак? Уни ривожлантиришда билим, малака, кўника, руҳий тайёргарликдан ташқари яна қандай омиллар талаб қилинади? каби кўплаб саволларга жавоб олдилар.

Диққатга сазовор маърузалардан бири физика фанлари номзоди, доцент Б.Йўлдошевнинг «Еруғлик — квант назарияси, лазердан техника ва тиббиётда фойдаланиш» мавзусидаги чиқиши бўлди. Унда лазер нуруларининг тиббиёт ва техника йўналишларида чуқурроқ кириб бораётганлиги ҳамда бу соҳалардаги сўнгги ихтироларнинг инсон ҳаётини сақлаш ва мамлакатимиз ривожидеги ўрни ҳақидаги маълумотлар ёрқин акс этди.

Олий тоифали ўқитувчи Х.Матчановнинг «Оламнинг 43 сонияси» мавзусидаги чиқиши ҳам барча иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Зеро, слайдлар, видеотасмалар орқали кўрсатилган илқ, сониялардан бошлаб бўлунги кунгача миллиард йиллар давомида қурраи заминда қандай улкан ўзгаришлар юзага келганлиги ва бу жараёнлар тўхтамасдан ҳозирда ҳам давом этаётганлиги ҳеч кимни бефарқ қолдирмади.

Шунингдек, ЎЗМУ профессори Ф.Насриддиновнинг «Даврий касрлар ва улар устида амаллар», Тошкент Ислам университети ўқитувчиси доцент А.Ғофуровнинг «Кетма-кетликларга оид муаммоларни ҳал қилишда геометрик усул» мавзусидаги маърузалари ҳам барчага манзур бўлди. Унда мураккаб арифметик амалларни энгил усуллар билан ечиш орқали талабаларда математика фанига қизиқиш уйғотиш масалалари илгари сурилган.

Икки кун давом этган анжуманнинг иккинчи босқичида АФИДУМ раҳбарлари ва ўқитувчилари томонидан 100 дан ортик ўқувчиларнинг она тили ва адабиёт, рус тили, маънавият, физика, кимё, биология, математика, информатика, география фанлари бўйича маърузалари тингланди ва ўрганиб чиқилди.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, маърузаларнинг аксарият қисми инглиз тилида устозлар эътиборига тақдим этилди. Бунда ёшларнинг ўз қарашлари, нуқтаи назарларини инглиз тилида раван, аниқ баён қилишлари, саволларга пухта, тўлиқ жавоб беришлари ўқитувчилар эътирофига лойиқ бўлди.

Келажакимиз пойдевори бўлган ўқувчи ёшларнинг бундай кичик изланишлари келгусида улкан илмий гоёларга, мамлакат ривожига ҳисса қўшадиган, инсоният тарихида из қолдирадиган кашфиётларга асос бўлса ажаб эмас.

Муборак АКРОМОВА,
ТДИУ қошидаги аниқ фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби ўқитувчиси

АЛОҚА ЯНГИ МАРКАЗ ИШ БОШЛАДИ

Пойтахтимизда телефон чақириқлари ягона марказининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Маълумки, шу кўнгалча ҳар бир телефон абоненти «09» алоқа хизматига мурожаат қилган. Ушбу хизмат «109» алоқа хизматига айлانганлиги ҳам барчага маълум. Тадбир қатнашчилари бўлимиш алоқа соҳаси мутахассислари эндиликда шахримизда телефон чақириқлари ягона маркази фаолиятни қўламинг кенгайганилигини ушбу марказ хизматидан эндиликда мамлакатимизнинг барча вилоятлари аҳолиси ҳам фойдаланиш имкониятига эга бўлганлигини таъкидладилар.

Шунингдек, тадбирда бу борада марказ фаолиятини янада яхшилаш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

